

ТУРК ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

АМИНОВА ЛОЛА

Ўқитувчи, ТДШУ

Аннотация. Ушбу мақола бир оилага мансуб бўлган, ҳам грамматик жиҳатдан ҳам сўзлашиш жиҳатдан ўзбек тилига ўхшаш бўлган турк тилининг ўқитилишига ва шу жараёнда дуч келинадиган муаммоларга бағишланган. Мақолада турк тилининг сингармонизм ҳодисаси ва бу ҳолида тилда қай даражада аҳамиятли эканлиги кўрсатилган. Турк тилидаги сўроқ, кўплик қўшимчалари ўзбек тилидаги қўшимчалар билан деярли бир хил бўлишига қарамай уларда сингармонизм ҳодисаси бўлмагани сабаб сўзларга қўшилиш тартиби мисоллар ёрдамида кўрсатилган. Бундан ташқари турк тилидаги келишиклар қўшимчаларида ҳам анча фарқли жиҳатлар мавжудлиги, уларнинг турлари батафсил ёритилган.

Мақолада бундан ташқари сўзлашувдаги баъзи хусуслар қаламга олинган. Ўзбек ва турк тилида қўлланиладиган ўхшаш ибораларнинг қўлланиш ҳолатидаги фарқлилиги келтирилган. Баъзи қолип сўзлар ҳам ўзбек тили билан айна бўлишига қарамай бошқа вазиятларда қўлланилиши мисоллар ёрдамида кўрсатилган.

Таянч сўз ва иборалар: туркий тиллар, қарлуқ лаҳжаси, ўғуз гуруҳи, сингармонизм қонуни, товуш ўзгаришлари, жумла қуришлари, тилидаги муқобили.

Аннотация. Данная статья посвящена преподаванию в узбекской аудитории турецкого языка, принадлежащего с узбекским одной семье, грамматически и разговорно похожего на него, а также проблемам, возникающим в процессе изучения языка. В статье анализированы явление и важность сингармонизма в турецком языке. Вопрос в изучаемом языке показывает, что суффиксы во множественном числе почти идентичны узбекским суффиксам. Однако у них нет феномена сингармонизма, поэтому порядок добавления слов показан на примерах. Имеются также существенные различия в турецких суффиксах, которые подробно описаны.

В статье освещены некоторые аспекты разговорной речи, различия в схожих выражениях на узбекском и турецком языках. Даны примеры, показывающие некоторые стереотипы, которые существуют и в узбекском языке.

Опорные слова и выражения: тюркские языки, карлукский диалект, огузская группа, суффиксы, закон сингармонизма, звуковые изменения, предложение, конструкции предложений, языковые альтернативы.

Abstract. This article is devoted to the teaching of Turkish language, which belongs to the same family and is grammatically and colloquially similar to Uzbek, and the problems encountered in this process. The article shows the phenomenon of synharmonism in the Turkish language and the importance of this rule in the language. The question in Turkish shows that the plural suffixes are almost identical to the Uzbek suffixes, but they do not have the phenomenon of synharmonism, so the order of addition to the words is shown with examples. There are also significant differences in the Turkish suffixes, which are described in detail.

Moreover, the article covers some aspects of the conversation. It also shows the differences in the use of similar expressions in Uzbek and Turkish languages. In addition, there are examples that show how some stereotypes which are the same in Uzbek language is used in other situations.

Keywords and expressions: Turkish languages, Karluk dialect, Oghuz group, the law of syngharmonic, sound changes, sentence constructions, linguistic alternatives.

Кириш. Тил – миллат кўзгуси, дейишади. Бирор бир чет тили ўрганилар экан, ўша давлатнинг маданияти, тарихи, адабиёти, миллий кадриятлари ва урф - одатлари ҳақида ҳам катта маълумотга эга бўлинади. Шундай экан, тил ўрганиш ва ўқитиш масаласи доим долзарб мавзулардан бири бўлиб қолади. Ҳар қандай чет тилининг ҳам грамматик қоидаларини ҳам оғзаки сўзлашувини мукаммал билиб олинсада, уни ўқитиш масаласи алоҳида мавзу ҳисобланади. Ўқитувчи ўз билимларини талабага етказиб беришда умуман бошқа қобилиятга, тўғрироғи катта маҳоратга эга бўлиши лозим. Бу маҳоратни эса ўқитувчи катта меҳнат ва тажриба натижасида қўлга киритади.

Мақсад ва вазифа. Маълумки, турк ва ўзбек тиллари бир оилага мансуб. Биз ўзбеклар турк тилини эшитганимизда худди ўзбек тилига ўхшашлигини, бу тилни бемалол тушуниш мумкинлиги, ўрганиш ҳам қийин эмаслигини эътироф этамиз. Аслида, бир оилага мансуб бу икки тилнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, мураккаб жумла қурилиши ва бизга унчалик ҳам осон бўлмаган фарқли томонлари бор. Туркча сўзларни тинглаганимизда асосий мазмунни тушунсакда, гапдаги сўзларнинг бошқа маъно бераётганининг унчалик фарқи бормаймиз. Оқибатда тушунишда хатоликлар юзага келади. Чунки ўзбек тилида сўзлашувчилар табиийки, ўзбекча фикрлайдилар ва ўзбек тили нуктаи назаридан гап қурадилар. Бу эса турк тили сўзлашув қоидаларига тўғри келмайди ва натижада тушунча фарқлилигига олиб келади.

Ўзбек адабий тили туркий тиллар гуруҳининг қарлуқ лаҳжасига мансуб. Турк тили эса ўғуз гуруҳига киради. Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида ҳам ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасида сўзлашилади. Шунинг учун Хоразмликларнинг талаффузлари ҳамда сўзлашишлари турк тилига яқин. Ўзбекистонда хоразмликлар шеваси яхши таниш бўлгани учун турк тили худди ўзимизнинг хоразмчага ўхшайди, деган гаплар ҳам юради.¹

Туркий тиллар оиласига мансуб ҳозирги замон турк тили ўғуз лаҳжасининг ўғуз – салчуқ кичик гуруҳига мансуб бўлиб, унга хос асосий генетик ва типологик хусусиятлар лексикада – асосий сўз захирасининг муштараклиги, фонетикада – туркий тилларга хос сингармонизм қонуни, морфологияда – сўз ясалиши, ўзгариши, сўз охирига қўшимча қўшиб янги шакл ва сўзлар ясалиши ва ниҳоят, синтаксисда – сўз бирикмалари ва гап бўлақларининг жойлашиш тартибида намоён бўлади. Юқорида санаб ўтилган умумий хусусиятлар билан бир қаторда турк тили бошқа туркий тиллардан, жумладан, ўғуз гуруҳига мансуб тиллардан ажралиб турувчи хусусиятларга ҳам эга².

“Туркий тиллар” кафедрасида турк тили ўқитиш масаласи пухта ишлаб чиқилган ва босқичма – босқич бўлимларга ажратилган. Бакалавр босқичининг илк курсларида, асосан эътибор турк тили алфавитининг ўзига хос хусусиятлари, талаффуз меъёрлари, жумла қуриш учун керак бўладиган грамматик қўшимчаларга, нарса ва предмет номларини янги сўзлар бериш орқали ўргатилишга аҳамият берилади. Секин аста жумла қуриб, ўзи ва оиласи ҳақида гапиришга, бирор бир воқеа - ҳодисани тушунтира олишга эътибор қаратилади.

Асосан дарсларда Америкалик педагоглар Dj. Still, Kurt Meridis, Charlz Templ томонидан тавсия қилинган янги методлардан фойдаланилади. Масалан: “Klasster”, “Sinkvin”, “Dvuh chastnyy dnevnik”, “Diyagram Benna grafiği”, “Zikzak”, “Biliyoruz, õğrenmek isteriz, õğrendik” каби методлар дарснинг қизиқарли ўтишини ва талабаларнинг мавзуларни осон тушунишларини таъминлайди.

¹ Қаранг: Қ. Содиқов, Ҳ. Ҳамидов, З. Худойберганова, Л. Аминова. Турк тили. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2005.

² Ҳ. Ҳамидов. Турк тили грамматикаси. - Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2006. Б. – 7.

“Dvuh chastnyy dnevnik”, “Zikzak”, “Biliyoruz, öğrenmek isteriz, öğrendik” каби методлар турк тилида сўзлашишни ўрганган юқори курс талабалари учун мўлжалланган. Лекин “Klasster”, “Sinkvin”, “Diyagram Venna grafiği” методларидан илк дарсларданок фойдаланиш мумкин.

Усуллар. Турк тили алфавитини ўргатар эканмиз, ундаги унлиларга алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки ўзбек тилида унлилар мослашуви, сингармонизм қонуни бузилган. Турк тилида эса бу қонун бош ўринда туради. Унлиларнинг қалинлиги, юмшоқлиги, лабланган ва лабланмаганлиги талаффуз нуқтаи назаридан муҳим бўлиши билан бир қаторда, қўшимчалар қўшилиши, сўзларнинг тўғри ташкил қилиниши ва натижада гапларнинг ҳам хатосиз қурилишини таъминлайди. Мисол учун ўзагида юмшоқ унли сўзга албатта юмшоқ вариант-ли қўшимчалар қўшилиши, лабланган унли сўзга эса лабланган вариант-ли қўшимчаларнинг қўшилиши муҳимдир.

Üzüm - üm, yolculuğ - umuz, gel - erek, yap - arak

Ўзбек тилида эса қўшимчаларнинг бундай вариантлари учрамайди, яъни қалин унлиларга ҳам юмшоқ унлиларга ҳам бир хил вариант-ли қўшимчалар қўшилади.

Узум - им, кўйлаг - инг, дафтар - им

Ўзбек тилидаги бу қоидага ўрганган талабаларда турк тилидаги сўзларга ҳам ўзбек тилидаги қўшимча вариантларини қўшиб юбориш ва натижада хатоликка йўл қўйиш ҳолатлари кузатилади. Чунки турк тилидаги баъзи сўзлар ўзбекча билан бир хил. Üzüm - узум, kitap – китоб, yol – йўл, kalem- ручка, қалам. Шу каби ўхшашликлар талабаларни чалғитади. Шу боис илк дарсларданок турк ва ўзбек тилидаги ўхшаш ва фарқли томонларга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак.

Унли ва ундош товушларнинг талаффузида ҳам катта фарқли томонлар мавжуд. Турк тилида қалин унлилар ўзбек тилига нисбатан қалин талаффуз қилинади ва бу унлилар таъсирида ундош товушларнинг талаффузи ҳам шунга мослашади. Масалан: kapı, doktor, borç, akşam.

Турк тилида жарангсиз ундош билан тугайдиган сўзлар ўзидан кейин унли билан бошланадиган эгалик, келишиқ қўшимчаларини олганда сўз охиридаги жарангсиз ундош жарангли ундошга ўтиш ҳодисаси юз беради. Масалан:

Ayak – ayağım, kitap – kitabı, delik – deliği, ocak – ocağı, dayak – dayağı, ağaç – ağacı, dert – derdim, yurt – yurdu, dolap – dolabı.

Ўзбек тилида бундай товуш ўзгаришлари оғзаки нутқда ишлатилса-да, ёзма нутқда фақатгина жарангли шакллари қўлланилади. Китоб, Аҳмад, дард ва ҳоказо. Лекин қалин қ ундошининг жарангли ғ га ўтиш ҳодисаси ўзбек тилида ҳам мавжуд.

Оёқ – оёғим, ўчоқ – ўчоғим, таёқ - таёғим.

Талабаларнинг ўзбек ва турк тилларидаги бу каби товуш ўхшашликлари ва фарқли томонларини ўрганишлари ҳам талаффуз, ҳам имло ва стилистик нуқтаи назардан муҳимдир.

Турк тилидаги сингармонизм ҳодисаси ва товушларнинг ўзига хосликларини айтар эканмиз, бу қоидаларга зид келувчи сўз ва қўшимчаларни ҳам келтириб ўтамыз. М: Феълнинг ҳозирги замон қўшимчаси -yor, равишдош қўшимчаси -ken, -daş\ taş, - ki, - (ı)mtırak. Бу қўшимчалар сингармонизм қонунига бўйсунмай шаклан ўзгармаган ҳолда сўзларга қўшилади.

Унли торайиши ва унли тушиш ҳодисаси ҳам турк тилининг муҳим унсурларидан ҳисобланади. Уларнинг тўғри қўлланиши ҳам талаффуз, ҳам имло қоида-си жиҳатидан аҳамият касб этади. М: yiyor, dinliyor, burun - burnu, ağız – ağızı.

Сўзлашиш дарсларида ўргатилиши лозим бўлган сўзларни мавзуларга ажратиб, баъзан матн шаклида, баъзан эса диалоглар шаклида ўқитилади. Бу сўзларнинг маънолари тушунтирилиб, матндаги вазифасига кўра таржима қилинади. Бундай матн ва диалогларни ўқитар

эканмиз, ҳар бир гап тўлалигича ёд олдирилади ва туркча жумлаларнинг қурилишига тўлалигича амал қилинади. Турк тилидаги баъзи сўзлар маъно жиҳатидан фарқ қилса-да, ифода жиҳатидан ўзбекча билан ўхшаш бўлгани учун таржиманинг хато кетишига сабаб бўлади. Масалан: *baba* – ота (ўзбек тилида бобо), *dede* – бува (ўзбек тилида дада), *hayır* – йўқ (ўзбек тилида хайрлашишга), *para* – пул (ўзбек тилида пора), *kaldırmak* – кўтармоқ (ўзбек тилида қолдирмоқ), *уармак* – бажармоқ, қилмоқ (ўзбек тилида ёпмоқ сўзларига ўхшаб кетади.) Бу каби сўзларнинг ўзбек тилида учраши турк тилини нотўғри тушунишга олиб келади. Чунки турк тилида бунинг акси бўлган, яъни айтилиши жиҳатидан ҳам, маъно жиҳатидан ҳам ўзбек тили билан бир хил бўлган сўзлар мавжуд. Шунинг учун маъноси бошқа бўлсада айтилиши бир хил бўлган сўзларни ўзбек тилидаги мазмунда тушуниш ҳолатлари ҳам учрайди.

Айтилиши ва маънолари аynи бўлган сўзлар: *gelmek* – келмоқ, *almak* – олмоқ, *söz* – сўз, *cümle* – жумла, *meyve* – мева, *güzel* – гўзал, чиройли, *vermek* – бермоқ, *yazmak* – ёзмоқ, *mektup* – мактуб, *yalvarmak* – ёлмормоқ.

Талабаларга сўзларнинг ўз маънолари билан тўғри тушунтириш бу сўзларни фақат контекстда, матн ичида ёд олдириш ўз самарасини беради. Шунда улар бу сўзларни худди қолип сўзлар каби ед. олиб, таржима қилишда ва сўзлашишда қийинчиликка учрамайдилар.

Грамматика мавзуларидан эғалик, кўплик, келишик, замон, сўроқ қўшимчалари, майллар турк тили ўқитишнинг илк босқичларидан жой олади. Айнан шу грамматик қўшимчалар талабаларнинг жумла қуришлари учун керакли омиллардан ҳисобланади. Одатда, грамматик мавзулар ўзбек тилига қиёсий тарзда тушунтирилади ва ўзига хос, фарқли томонлари кўрсатиб ўтилади. Масалан қиёсий тарзда тушунтирилиши мумкин бўлган ўзбек ва турк тилидаги мавзуларни Деограмма Венна методига кўра ўргатиш жуда яхши натижа беради.

Турк тилидаги кўплик қўшимчаси бўлмиш *-lar*, *-ler* ўзбек тилидаги кўплик қўшимчасидан деярли фарқ қилмайди, фақат ўзбек тилида юмшоқ унлили шакли ишлатилмайди. Талабаларга турк тилида кўплик қўшимчасининг фақат шу икки варианты мавжудлигини, лабланган ва лабланмаган унлиларга ҳам шу икки қўшимчанинг қўшилиши таъкидланади. *M: güller, üzümler, yollar* ва ҳоказо.

Сўроқ қўшимчалари эса турк тилида *-mı* нинг 4 шаклидан ташкил топган бўлиб, сўзларга қўшилмасдан ажратиб ёзилади. *Bülent mi? Gözlük mü?* Ўзбек тилида эса фақат - ми шакли бўлиб, сўзларга қўшиб ёзилади. Гулми? Боғми? Аҳмадми? Лекин турк тилида феълларга қўшилганда аввал сўроқ қўшимчаси келиб, кейин шахс-сон қўшимчаси қўшилади. Ўзбек тилида эса аввал шахс-сон, сўнгра сўроқ қўшимчаси қўшилади. *Geliyor musunuz* – келяпсизми? *Alır mısın* – оляпсанми? *Yaracak mıyız* – бажарамизми?

Замон қўшимчаларига келсак, турк тилида 4 та замон мавжуд. Талабаларга замон ҳақида маълумот берар эканмиз, албатта уларнинг қўшимчаларини, қўшимчаларнинг вариантларини ва бўлишсиз шаклларини ҳам кўрсатиб ўтамиз. Бизга бунда туркча дарсликлар асқотади.¹ Ҳар бир замон қўшимчаси қиёсий нуқтаи назардан ўргатилмаса-да, ушбу қўшимчаларнинг ўзбек тилидаги муқобили, ёки асосий катта фарқларини айтиб ўтамиз. Масалан, ҳозирги замон қўшимчаси – уоғ бўлиб, алоҳида ўзига хослиги шундаки, бошқа қўшимчаларга ўхшаб вариантлари кўп эмас ҳамда сингармонизм қонунига бўйсунмайди. Фақат феълнинг ўзагига аввал ёрдамчи унли қўшилиб, сўнгра замон қўшимчаси келади. *Gel-i-yor-um, gül-ü-yor uz, ağıl-yor-sun* каби. Бўлишсиз шаклида эса - *ma*, *-me* нинг тўрт шакли ҳам қўлланилади. *Otur*

¹ Hengirmen M. Koç N. Türkçe öğreniyoruz 1. – Ankara. Engin yayınevi. – 1997.

Özbay. M Türkçe öğreniyoruz. Orhun.- Ankara. 2003.

– mu- yor – uz, temizle – mi- yor, üz - mü – yor каби. –Yor қўшимчасидан кейин келадиган шахс-сон қўшимчаларининг фақат лабланган шакллари қўлланилади.

Ўтган замон қўшимчасига келсак –di ли ўтган замон ҳам –miş ли ўтган замон ҳам ўзбек тили билан бир хил ишлатилади. Баъзи ўринларда ифода жиҳатидан ўхшаб кетса-да, қўлланиш борасида биров фарқ қилади. Турк тилида – di нинг тўрт хил кўриниши билан бир қаторда, жарангсиз варианты бўлмиш – ti нинг ҳам тўрт шакли мавжуд. Ўзбек тилида эса оғзаки нутқда жарангсиз – ти ишлатилса-да, ёзма нутқда – ди шакли қўлланилади. Gel- di-m, gül-dü-n, al-dı-lar, unut-tu-m, git-ti-m. Бўлишсиз варианты эса фақат –ma – me шаклида қўлланилади: уар-ma-di-m, temizle-me-di-m. Ўзбек тилида: кел-ди-м, кул-ди-нг, ол-ди-лар, унут- ди-м, кет-ди, қил- ма- ди- м, тозала- ма- ди- м.

–di ли ўтган замон турк тилида ҳам ўзбек тилида ҳам яқин ўтган замон учун ишлатилсада, турк тилида қўллаш доираси кенгроқ. Масалан:

Ben 1998 yılında Türkiye ye gittim. Мен 1998 йилда Туркияга борганман. Annem 1949 yılında doğdu. Онам 1949 йилда туғилган.

Ўзбек тилидаги яқин ўтган замон шакли турк тилидагидек –ди қўшимчаси билан ифодаланади. Dün Istanbul dan geldim. Кеча Истанбулдан келдим.

- miş ли ўтган замонга келсак, бу қўшимча турк тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ўзи гувоҳ бўлмай, фақат бировдан эшитганларини ифодалашда ишлатилади.

O sabah evimize gelmiş. Uçak dün uçmuş.

Келаси замон қўшимчалари – асак, – есек ҳам ўзбек тилидаги келаси замон қўшимчаларидан фарқ қилади. Ўзбек тилида келаси замон учун – а қўшимчаси қўлланилади. Лекин турк тилининг келаси замон феъли билан ифодаланувчи жумлалар ўзбеклар учун нотаниш эмас. Ўзбек тилининг бадий шеъриятида – асак қўшимчаси билан тузилган гапларни учратиш мумкин. Турк тилида келаси замон қўшимчасининг фақат –асак – есек шакли мавжуд. Феъл ўзаги унли билан тугаганида koryucusu у харфи қўлланилади. Gel-eceğ-im, gel – me- y-eceğ –im.

Турк тилида geniş zaman қўшимчалари ҳам мавжуд бўлиб, биз бу замонни ҳозирги замон давом феъли деб тушунтирамиз. Лекин турк тилидаги бу замон қўшимчалари ўзбеклар учун таниш эмас. Geniş zaman учун алоҳида эътибор қаратамиз. Бу замон қўшимчалари доимий бажариладиган феълларни билдириб, ҳар доим, доимо ёки ҳеч қачон деган маъноларни, баъзида бажарадиган ишнинг замони аниқ эмаслигини ҳам ифодалайди. Ўзбек тилида бу ҳолатда келаси замон қўшимчаси қўлланиб, ҳар куни, доим ёки ҳеч қачон сўзлари қўшиб айтилади. Турк тилида geniş zaman –ar –er –r қўшимчаларидан иборат. Gid-er-im, calis-ir-sin.

Бўлишсиз шакли ҳам бошқа замонларникидан фарқ қилади. Бирлик ва кўпликнинг 1 шахси учун –ma, - ma қолган шахслар учун –maz, -mez вариантлари ишлатилади. Gör-me-m, getir-me-yiz, uar-maz-sin, bil-mez-ler.

Бу замон қўшимчалари талабаларни жумла қуришлари учун керак бўлган омиллардан бўлгани боис илк босқичларда ўргатилади. Замон қўшимчаларини тўғри қўллай билган талаба, феълларни тўғри туслаб, ўз фикрини ифодалашда хатоликка йўл қўймайди.

Турк тилида, 6 та келишик мавжуд бўлиб, баъзи олимлар келишик қўшимчаларининг 9 эканлиги ҳақида маълумот берадилар¹. Турк тилидаги келишик қўшимчаларини ўзбек талабаларига ўргатиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Чунки турк тилидаги келишик қўшимчалари ўзбек тилидаги келишик қўшимчаларидан катта фарқ қилмайди. Дарсда талабаларга асосан 6 та келишик қўшимчалари ўргатилади. Келишик номлари ҳам илмий

¹Banguoğlu T. Türkçenin grameri. – Istanbul. Baha Matbaası, 1974.



адабиётларда икки хил келтирилади. Баъзи бир олимлар Ad durum ekleri, деб атаса, баъзилар Ismin halleri деб номлайдилар. Шунинг учун талабаларга бу икки хил ном ҳам келтириб ўтилади, лекин эътибор келишик қўшимчаларининг қай тарзда сўзларга қўшилиши ва бу ҳолат ўзбек тилида қандай ифодаланишига қаратилади. Турк тилининг келишик қўшимчалари қуйидагилардир:

Yalın durumu – бош келишик, belirtme durumu- тушум келишик, yönelme durumu-жўналиш келишик, kalma durumu-ўрин-пайт келишиги, uzaklaşma durumu-чиқиш келишиги, tamlayan durumu- қаратқич келишиги.

Тушум келишигида -ı –уї нинг 4 шакли қўлланилади. Яъни ундош билан тугаган сўзларга і варианты, унли билан тугаган сўзларга уї варианты қўшилади. Чунки икки унли турк тилида ёнма-ён келмайди. Бундай ҳолатлар талабаларга мисоллар ёрдамида тушунтирилади. Ev-i, okul-u, masa-yı, bahçe-yı каби.

Турк тилида соат айтилаётганда ишлатиладиган тушум келишиги ўрнида ўзбек тилида чиқиш келишиги қўлланилади.

On ikiyi beş geçiyor - Ўн иккидан бешта ўтди.

Жўналиш келишиги эса –а- е, -уа -уе қўшимчалари билан ясалади.

Ev - е, sınıf - а, bahçe - уе, okul – а каби

Жўналиш келишигининг яна бир ўзига хослиги шундаки, ben ва sen кишилик олмошларига қўшилганда, bene sene эмас, bana sana шакллари қабул қилинган.

Турк тилида жўналиш келишиги билан айтиладиган баъзи жумлалар, яъни Bana sor, ona sor каби жумлалар ўзбек тилида чиқиш келишиги билан, яъни мендан сўра ундан сўра шаклида ифодаланади. Бу каби фарқли томонлар ҳам алоҳида тушунтирилади.

Ўрин-пайт келишиги турк тилида – da – de –ta, -te қўшимчаларидан иборат.

Ev - de, sınıf - ta, okul - da, bahçe - de

Ўзбек тилида ҳам бу келишик – да қўшимчаси билан ифодаланиб, фақат жарангсиз ва юмшоқ унлили вариантлари мавжуд эмас.

Чиқиш келишиги dan-den, tan-ten бўлиб, бу ҳам юқорида айтганимиздек, жарангсиз ва юмшоқ унли жиҳатидан ўзбек тилидан фарқ қилади.

Ankara - dan, oda -dan, okul - dan.

Қаратқич келишиги унли билан тугаган сўзларга nin- nin- nun-nun, ундош билан тугаган сўзларга - in - in – ün – un қўшилади.

Ev - in, okul - un, kōy - ün, kapı - nin, bahçe - nin.

Ўзбек тилида эса фақат -нинг қўшимчаси қўшилади.

Кўриб ўтганимиздек, турк тилида келишик қўшимчалари ўзбек тилидагидан катта фарқ қилмаса-да, лекин ўзига хос мураккаб томонлари бор. Чунки унлининг 4 хил кўриниши ва жарангсиз формаларнинг мавжудлиги ўзбек тилида фикрловчи талабаларни бироз ўйлантириб қўяди. Баъзида унлилар уйғунлиги ва қўшимчаларнинг жарангсиз формаларига амал қилмай, ўзбек тилидагидек бир хил формадан фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Лекин мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган машқлардан кейин бу хатолар барҳам топади.

Натижалар ва мулоҳаза. Туркчадаги «Hoş geldiniz» ибораси ўзбек тилидаги «Хуш келибсиз» ибораси билан шакл жиҳатидан ҳам, маъно жиҳатидан ҳам аинидир. Фақат қўллаш борасида бироз фарқ қилади. Ўзбек тилидаги «Хуш келибсиз» иборасини шахримизга, уйимизга меҳмон келгандагина турк тилидек маънода қўллаймиз. Лекин турк тилида бу ибора айнан ўзбекчадаги маъноси билан бир қаторда бошқа ҳолатларда ҳам ишлатилади. Масалан, ота – онаси ишдан келганда ёки болалари ўқишдан, кўчадан келганда ҳам «Hoş geldin» деб



кутиб олинади. Ўзбек тилида бу вазиятда «Яхши келдингизми» ибораси ишлатилади. «Hoş geldiniz» иборасини ўзбек тилида мавжудлигини билган талаба уни фақат туркча маъносига кўра таржима қилаверади. Натижада турклар фақат меҳмонларни эмас, ота – онаси, болаларини ҳам «Хуш келибсиз», деб кутиб олар экан, деган тушунча пайдо бўлади. Аслида бу ибора ичида «Яхши келдингизми, чарчамай, қийналмай етиб келдингизми» деган маъно ётади. Шунга ўхшаш яна бир ҳолат: турк тилидаги *sañim* сўзининг ўзбек тилидаги жоним шакли мавжуд. Турк тилидаги *sañim* сўзи ҳурмат маъносида кўпчиликка, яъни дўстга, опа-укага, танишларга нисбатан азизим, қадрдоним маъносида ишлатилади. Лекин ўзбек тилидаги жоним сўзи фақат севгилисига нисбатан айтилиб, «севгилим, чин қалбимдан севганим, қалбим, юрагим» каби маъноларни беради. Фақат қўшма сўзлардагина ҳурмат, қадрлаш маъносини бериши мумкин. Масалан, онажоним, отажоним, болажоним, укажоним каби. Яна бир мисол, туркчада «*uok sañim*» ибораси мавжуд бўлиб, эътироз билан таъкидлаш, яъни «йўғ-е, қўйсангчи, бундай эмас» мазмунини ифодалайди. Лекин талабалар баъзи ўринларда туркчадаги *sañim* сўзини ўзбекчадаги маъносига урғу берадилар. Натижада «Йўқ севгилим, йўқ жоним» каби нотўғри таржимага йўл қўядилар. Бу тур хатоликлар баъзида турк фильмларининг таржимасида ҳам учраб туради.

Хулоса. Кўриб ўтганимиздек, турк тили ўзбек тилига ҳам грамматик, ҳам сўзлашиш нуқтаи назаридан қанчалик ўхшаш бўлмасин, ўзига хос қийинчиликлари бор. Бу ўхшашлик бир томондан талабаларга ёрдам берса, бошқа бир томондан уларни чалғитади. Шу нуқтаи назардан, турк ва ўзбек тиллари бир гуруҳга оид тил бўлишидан қатъи назар, турк тили - ўз тарихига эга, ўзига хос қонун - қоидалари, сўз бойлиги, жумлаларнинг бошқа тилларга ўхшамаган тарзда чиройли қурилиши, талаффузда ва муомалада жарангдор, туркча ибора билан айтганда, кибор тил сифатида алоҳида меҳр ва эътибор билан ўргатилади.

